

СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ПАХТА ТОЛАСИ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Эргашева Одина Илхом қизи

Машарипова Мафтуна Ахмеджон қизи

Тошкент давлат аграр университети талабалари

Аннотация: Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Аммо асосий майдонларда ҳозирча суғоришнинг эски усули – эгатлаб суғориш технологияси қўлланилмоқда, замонавий усулларни жорий қилиш учун албатта вақт ва маблағ зарур бўлади. Шундай экан мавжуд суғориш усуллари турли хил шакллари маҳаллий шароитларда синаш ва самарадорлигини аниқлаш олимларимиз олдида турган муҳим вазифадир. Ғўзани эгат орқали суғоришда сувнинг оқовага ва намликнинг физик буғланишга ҳамда филтрация жараёнига имкон қадар йўл қўймасликка эгат орқали суғориш технологияси элементларини янада такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Айниқса, Хоразм вилояти тупроқларининг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тўғри ташкил этиш натижасида қишлоқ хўжалиги экинларига берилаётган сувларни назоратга олиб, коллектор-зовурларга тушадиган оқова сувлар миқдорини камайтириш эвазига тупроқ ботқоқланиши олди олиниб, иккиламчи шўрланишга барҳам бериш мумкин. Бундан ташқари, сувдан самарали фойдаланиш ҳисобига ғўзанинг ҳосилдорлиги ошиб, толасининг технологик кўрсаткичларига ижобий таъсир қилиши мумкин.

Калит сўзлар: қўш қаторлаб суғориш, сув ресурслари, сув режими, тола сифати, толанинг пишиқлиги, толанинг узунлиги, нисбий узилиш кучи, ғўза, суғориш меъёри, ҳосилдорлик, суғориш технологияси.

КИРИШ

Ғўзани парваришlashдаги ҳар бир агротехник тадбир сувдан самарали фойдаланишга йўналтирилиши лозим.

Юқори агротехника қоидаларига риоя қилинганда сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш билан биргаликда мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштиришга мустаҳкам замин яратилади.

Ўзбекистон сув захиралари чекланган регион бўлиб, қурғоқчилик энг долзарб муаммолардан биридир.

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги экинларининг сув танқислигига чидамли янги навларини яратиш, сув тежовчи суғориш технологияларини кенг қўллаш олимлар олдида турган муҳим вазифалардир.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан тўғри фойдаланиш, экинларни парваришlashнинг илмий асосланган агротехнологияларини жорий этиш, кам

маблағ ва меҳнат сарфлаб юқори ва сифатли ҳосил етиштириш муҳим аҳамиятга эгадир (1).

Хоразм вилоятининг қадимдан суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тўғри ташкил этиш натижасида қишлоқ хўжалиги экинларига берилаётган сувларни назоратга олиб, коллектор-зовурларга тушадиган оқава сувлар миқдорини камайтириш мумкин (2).

Ўзанинг мақбул суғориш тартиби ва тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқиш, ўсимликларнинг назарий сув истеъмолини аниқлашда эмпирик формулалар орқали ҳисоблашларни такомиллаштириш, тупроқнинг тури ва сизот сувлари сатхи яқин жойлашуви ва уларни минерализациясини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини суғоришнинг мақбул муддатлари, меъёрларини аниқлаш сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича устувор йўналишлардир (4) Эгатлар оралатиб суғориш (қўш қаторлаб) усулида экин даласига сув эгатлар орасидаги ҳар бир ариқдан эмас, балки эгат оралатиб, яъни бир ариқдан сув оқизилиб, навбатдаги ариқ қуруқ қолдирилган ҳолда берилади. Бунда тупроқдан сув буғланиши ва тупроққа сув сизилиши кескин камаяди. Сув тежовчи технологиялардан кенг фойдаланиш ҳисобига сув сарфини 20-25 фоиз камайтириш имконини беради. Республикада ҳозир сувни ҳар томонлама тежаш, дарёлар оқимини тўлиқ бошқариш, суғориш тизимларини техник такомиллаштириш, замонавий технологияларни қўллаш, кам сув истеъмол қиладиган экинларни экиш ва интродукция қилиш ҳисобига сув танқислигини бартараф этиш мумкин (3).

Ҳозирги кунда республикамизнинг дунё бозорига чиқиши пахтачиликда янада ҳосилдор, эртапишар, юқори тола сифатига эга бўлган ғўза навларини яратиш ва уларга мос агротехнологияларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бундай агротехнологиялар жумласига, биринчи навбатда, сув ресурсларини тежаш мақсадида ғўзани суғориш технологияларини такомиллаштириш масалалари киради, ва бу йўналиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Чунки асосий масала тола сифати бўлиб, ўсимлик барча омилларни, жумладан сувни меъёрида олгандагина, у сифатли бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети: Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилоятининг аллювиал ўтлоқи, механик таркиби ўртача қумоқ тупроқлари ва ғўзанинг ўрта толали истиқболли Ният нави олинган. Эгатлаб суғоришнинг такомиллашган сувтежамкор технологиялари, ғўзани суғориш тартиби ва сув истеъмоли, тупроқнинг сув-физик хоссалари, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Хоразм вилоятининг аллювиал ўтлоқи тупроқлари шароитида истиқболли Ният ғўза навини ер устидан эгатлаб суғоришнинг

такомиллашган сув тежовчи технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Хулосалар.

Эгатлаб суғоришнинг турли тежамкор технологияларини синаб кўриш натижасида улар орасидан энг самарали турларини аниқлаш мумкин бўлади.

Хусусан, эгат оралатиб суғориш (қўш қаторлаб) маълум миқдорда сув русурсларини тежаш билан бирга, 1000 дона чигит оғирлиги, толанинг пишиқлиги, толанинг узунлиги ва нисбий узилиш кучи каби кўрсаткичлари бўйича энг юқори натижа кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А., Зокиров Ш.С. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг агроиқлим шароити. Тошкент, «Меҳнат», 1985
2. Горелов Е.П. Ботиров Х.Ф. Ўз имкониятларимиздан фойдаланайлик// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1992, 4-5 сон
3. Массино И.В. Ўзбекистонинг суғориладиган озиқчилигида маккажўхори, жўхори ва хашаки лавлаги селекцияси. Тошкент, «Фан», 1984
4. Маҳсумов А.Н. Суғориладиган ерлардан йил бўйи фойдаланиш - пахтачиликда муҳим муаммо